

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 336:6П7(575.1)

УКТАМОВ ХУСНИДДИН ФАХРИДИНОВИЧ

**КИМЁ САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-
ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит
08.00.03 - Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор А.У. Бурханов**

ТОШКЕНТ – 2022 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	12
§1.1. Корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари.....	12
§1.2. Корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлигини баҳолаш усуллари	24
§1.3. Корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.....	33
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	42
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИМЁ САНОАТИНИНГ МОЛИЯВИЙ- ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	45
§2.1. Ўзбекистонда кимё саноати ривожланиш динамикаси ва ҳозирги ҳолати	45
§2.2. Ўзбекистонда кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили	59
§2.3. «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарни молиявий- иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш	71
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	87
III-БОБ. КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ- ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	89
§3.1. Кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий хавфсизлиги даражасини баҳолаш услубиёти	89
§3.2. Кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми.....	107
§3.3. Ўзбекистон кимё саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш истикболлари.....	115
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	122
ХУЛОСА	124
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	127
ИЛОВА	142

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё ва нефть-кимё маҳсулотларидан фойдаланиш оммалашгани, уларни ишлаб чиқариш оммавий технологияларининг кенг тарқалиши, умуман, кимё мажмуаси, хусусан, кимё саноатининг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари ва янги материаллардан фойдаланиш кенг тарқалиши туфайли жаҳон «иқтисодиётини кимёлаштириш тенденцияси давом этиб, 2030 йилга келиб, дунёда аҳоли жон бошига полимер маҳсулотларининг солиштира истеъмоли ошиши кутилмоқда, бу эса истеъмолнинг киши бошига 2013 йилдаги 61 АҚШ доллари ўрнига 128 АҚШ долларигача ошишига олиб келади»¹. Бу эса ўз навбатида, кимё саноати корхоналари сони ошиши ва мазкур тармоқда фаолият юритаётган корхоналар салоҳияти кенгайишига олиб келади.

Жаҳонда кимё саноати ривожланган давлатларда мазкур тармоқда ресурс ва энергия тежаш технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда геология-кидирув ишлари харажатларини камайтириш; маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва таннархини пасайтириш; замонавий миллий кимё саноатини шакллантириш мақсадида институционал, ҳуқуқий ва инвестицион муҳит яратиш, кимё саноати корхоналарини иқтисодий рағбатлантириш, кимё тармоғини модернизациялаш, бошқариш тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш сингари йўналишларда кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини замонавий ёндашувлар асосида таъминлашнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти, жумладан, кимё саноати

¹ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_193832/b029464b9c6d012f5fe94fc0a93f5dcc21b0cda8

корхоналарининг жаҳондаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш» вазифалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини ошириш юзасидан ички имкониятини комплекс ривожлантириш, моддий-техник базасини тубдан янгилаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, кимё саноати маҳсулоти ассортиментини кенгайтириш ва таннархини пасайтириш, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш йўналишларида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилиб, кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини замонавий ёндашувлар асосида таъминлашнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»га қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация